

Journal of
**Natural
science**

**No5
2021**

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф12. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ГИДРОНИМЛАРИ ВА УЛАРНИ НОМЛАШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Хакимов К.М., Рахматуллаева М.Т.

(География ва иқтисодий билим асослари кафедраси)

Аннотация: Мазкур мақолада Жиззах вилоятида учрайдиган асосий гидронимлар ва уларнинг табиий географик шароитдан келиб чиққан ҳолда номланиш индикаторлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Жиззах вилоятининг табиий географик хусусиятлари, гидрологик омиллари, гидрографик объектлари, гидронимлар, топонимист олимлар, туманлардаги турли гидронимлар таҳлили кабилар.

Жиззах вилояти табиати ўзига хослиги билан ажралиб туради. Вилоятнинг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳамда марказий қисмлари асосан текислик - Мирзачўл ва Қизилқум чўллари эгаллаган. Жанубий қисмида Туркистон тизмасининг ғарбий тармоқлари, ғарбий қисмида Нурота тизмасининг шарқий тармоқлари жойлашган. Бу икки тоғ тизмасини Сангзор водийси ажратиб туради. Жиззах вилояти жой номлари минтақанинг табиий шароити, тарихи, иқтисодиёти ва жамият ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган. Улар орасида сув объектлари номлари кўпчиликни ташкил этади.

Гидронимлар (гидро - сув, оним - ном, исм) табиий ёки инсон томонидан яратилган ҳар қандай сув объектлари, яъни океан, денгиз, кўл, дарё, сой, булок, сув омбори, канал, кудуқларнинг номлари. Топонимистлар гидронимларни энг қадимий топонимлар деб ҳисоблашади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Таниқли рус номшунос олими Э.М.Мурзаевнинг ёзишича, гидронимлар вақт эрозиясига кам дучор бўлади, қадимий, шу сабабдан асл шакли ва мазмунини тиклаш анча қийин бўлган топонимлар гуруҳига киради. Гидронимларнинг бу хусусияти тарихчи, тилшунос ва географларда катта қизиқиш уйғотиб, уларга узок ўтмишга назар ташлаш имконини беради.

Жиззах вилояти океан ва денгизлардан узоқда, материкни ички қисмида жойлашганлиги, кескин континентал иқлим ҳамда ёғин миқдорини камлиги шароитида хўжалик юритишда сув ҳал қилувчи рол ўйнаган. Шу сабабдан минтақа жой номлари орасида гидронимлар кўплиги ва ихтисослашуви билан алоҳида ўрин эгаллайди. Сув объектларни номлашда турли хил омиллар сабаб бўлган. Шунинг учун, гидронимлар қандай сўзлар асосида яратилганлигини аниқлаш ва номлаш хусусиятларини аниқлаш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Минтақа сув объектларни номлашга қуйидаги омиллар асос бўлиб хизмат қилган:

1. Киши исмлари асосида вужудга келган гидронимлар. Кўпинча бундай сув объектларининг (арик, кудук, булок, канал ва бошқ.) пайдо бўлишида (казилишида) раҳбарлик қилган шахслар номи билан аталган. Чунончи, Назарбойкудук, Қосимбеккудук (Фориш тумани), Омонбулок, Мирзабулок (Ғаллаорол тумани), Тошбекарик (Жиззах тумани) ва бошқалар.

2. Ўсимлик ва ҳайвонлар номи асосида пайдо бўлган гидронимлар, яъни сув объектларининг номланишида муайян бир ўсимлик ёки ҳайвон номи асос қилиб олинган. Масалан, Ўриклисой (Зомин тумани), Тераклисой (Бахмал тумани), Қўйбулок, Илонлисой (Фориш тумани) ва бошқалар.

3. Ер қатламининг устки тузилиши, тупроқнинг таркибига кўра номланган гидронимлар. Бундай гидронимлар таркибида қум, тош сўзларини кўп учратиш мумкин. Масалан, Сангзор (Бахмал тумани), Ёйилма (Жиззах тумани), Ёнбулок (Фориш тумани), Гумсой (Ғаллаорол тумани), ва бошқалар.

4. Сувнинг ранг хусусиятига қараб номланган гидронимлар. Бу гидронимларнинг номланишида оқ, қора, кўк, қизил каби ранглар ўзак сўз сифатида кўпроқ учрайди. Чунончи, Оқбулок (Зарбдор тумани), Қорасой (Жиззах тумани), Қорасув (Бахмал тумани), Кўкбулок (Бахмал тумани), Қизилкудук (Фориш тумани) ва бошқалар.

Мутахассисларнинг фикрича гидронимлар таркибида қўлланган ранглар турлича маънони ифодалаш мумкин. Масалан, топономист олим Н.Охуновнинг ёзишича, доимо оқиб турадиган, тоғдан, музликлардан келадиган қор сувлари билан тўйинган, ўз табиий ўзанида оқадиган, ёзда қуримайдиган, ранги оқ тусда бўлган, ичишга яроқли сувга нисбатан оқ сўзи ишлатилган ва улар – оқбулок, оқдарё, оқсой деб номланган.

Тоғ этакларида, водийларда ер ости сизот сувларидан тўйинадиган, секин оққанлиги учун тиниқ қорамтир тусда, табиий ўзанида оқмайдиган, канал қазиб оқизилган сувларга нисбатан эса қора сўзи қўлланилиб -улар қорасув, қорадарё, қорасой номлари билан юритилган. Кўксув, Кўкдарё гидронимлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу хил гидрообъектларнинг кўлами чуқур, сувнинг оқиш суръати сокин, ранги шишадек кўм-кўк, ғоят тиниқ ва тоза бўлади. Гидронимларнинг номланишида қизил, сарик, яшил каби ранглардан ҳам фойдаланилган.

5. Сувнинг ҳарорати, ҳиди ва маза-таъмига қараб номланган гидронимлар. Бундай гидронимларни номлашда кўпинча совук, иссиқ, сассиқ, аччиқ, ширин, шўр каби сўзлардан фойдаланилган. Масалан, Иссиққўл (Фориш тумани), Совуқбулок, Жилибулок (жили-илиқ маъносида) (Бахмал тумани), Музбулок (Ғаллаорол тумани), Шўркудук (Фориш тумани), Шўрча (Зомин тумани), Шўрбулок (Бахмал тумани), Сассиқбулок (Фориш тумани) ва бошқалар.

6. Микдор, ҳажм ва сон-саноғига қараб номланган гидронимлар. Бундай номлар гидронимнинг микдорини, сон-саноғини ва ҳажмини белгилашга қаратилган. Кўпинча икки, беш, олти, қирқ, юз, минг, гала, қўш, тўда сўзларидан фойдаланиб гидронимлар ясалган. Чунончи, Бешбулоқ, Дуоба (тожикча, ду–икки, об–сув) (Зомин тумани), Бешқувур (Жиззах тумани), Узунқудуқ (Фориш тумани), Узунбулоқ (Бахмал тумани), Кичиксой (Ғаллаорол тумани), Каттасой (Фориш тумани) ва бошқалар.

7. Аҳоли манзилгоҳлари номи билан аталадиган гидронимлар. Вилоятимиз ҳудудида ойкогидронимлар асосан тоғли туманларда кўпроқ учрайди ва кўпинча сув объектларининг турини билдиради. Масалан, Савруксой (Ғаллаорол тумани), Новқасой, Бойқўнғирсой (Бахмал тумани), Пишағарсой, Зоминсой, Жалойирсой (Зомин тумани), Ухмсой, Андагинсой, Учмасой (Фориш тумани) ва бошқалар.

Айрим сув объектларнинг номланишига сувнинг секин дамланиб Дамарик (Фориш тумани), ёки тез, шариллаб Шариллоқ (Жиззах тумани), Шарилдоқсой (Зомин тумани) оқиши, оқимда ўз ўзанининг ўзгартириб туриши каби омиллар ҳам асос бўлиб хизмат қилган. Маълумки, дарё ҳар доим бир ўзандан оқмайди, муайян вақтдан кейин, ўзанини ўзгартириб туради. Мутахассисларнинг аниқлашича, Айдарқўлнинг ҳозирги ўрни, кайнозой эрасининг тўртламчи даври охирларида Сирдарёнинг ўзани бўлган. Шу сабабдан Айдарқўлнинг иккинчи номи сифатида баъзан Қолган Сир ибораси ишлатилади.

Гидрогеографик терминлар мустақил равишда ҳам топонимлар ҳосил қилган. Масалан, Бахмал туманида Довул номли ойконимга айланган гидроним бор. Бу географик атамани П.Ғуломов “довул - жуда қаттиқ шамол. Тезлиги секундига 20 метрдан ортиқ. Денгизда катта тўлқинларга, қуруқликда офатларга, бузилишларга сабаб бўлади. Одатда серҳаракат циклонлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Баъзан кучли қуюн тарзида рўй беради” деб таъриф берган. Ҳақиқатдан ҳам қишлоқ серҳаракат циклонлар йўлида жойлашган деган фикр бор.

Жиззах вилояти ҳудудида сув объектлари номи асосида номланган аҳоли пунктлари ҳам кўп учрайди. Бундай ойконимлар (юнонча ойкос - «уй», «турар жой») ни вилоятнинг ҳамма ҳудудларида учратиш мумкин, чунки аҳоли пунктлари сув бор жойда барпо этилган. Қишлоқ ва шаҳарларнинг булоқ - сойлар билан аталиши ҳам шундан. Шунинг учун, сой, булоқ, ариқ, қудуқ, сув каби индикатор терминлар вилоят аҳоли пунктлари номлари таркибида тез-тез такрорланиб туради.

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида Коризқудуқ номли қишлоқ мавжуд. Географ олим П.Ғуломов коризни бундай таърифлайди, «кориз ер

ости сувини йиғиб ер устига чиқариш учун қазилган қатор қудуқлар. Кориз қазиладиган жой белгилаб чиқилгандан кейин, тахминан ҳар 10 метрда қудуқ қазилади. Қудуқлар лаҳм орқали бир-бирларига туташтирилади, натижада сувлари тўпланиб ер юзасига чиқарилган». Қишлоқ ҳудудидаги кориз қудуқлари сабабли гидроним ойконимга айланган. Гап шундаки, қишлоқ ҳудудида оқар сувлар йўқ, экинлар фақат кориз қудуқларидан чиқарилган сувлар ёрдамида суғорилган. Зомин ва Фориш туманларида ҳам Кориз номи билан аталадиган қишлоқлар мавжуд.

Таниқли терминшунос олим М.Миракмаловнинг тадқиқотлари давомида Жиззах вилоятининг 1:100 000 масштабни топографик харитасидаги 366 та ороним ва гидронимлар ўрганилган. Таҳлиллар натижаси бўйича гидронимларнинг 20 % - “сой”, 9 % - “қудуқ”, 3% - “булок” топонимик терминлар ёрдамида ҳосил бўлган.



Қуйида вилоят ҳудудидаги айрим сув объектлари номлари изоҳлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бахмал туманидаги қишлоқларнинг бири Тағоб деб аталади. Тағоб - номи форс - тожик тилидаги тағ – “ости”, “этаги”, об – “сув” сўзларидан ташкил топган. С.Қораевнинг ёзишича, тағоб сўзи «Бобурнома»да ўзан, сойлик, қирғоқ маъносида кўп учрайди. Бошқа таниқли олим академик Я.Ғуломовнинг таъкидлашича, Бухоро ва Фарғонада маҳаллий халқ ерости суви, ер юзасига чиқиб турадиган жойни тағоб дейишган. Жиззахда тағоб - сойлар атрофи ва қисман тоғолди дараларда жойлашган суғорма унумдор ерлардан иборат бўлган ҳудуд. Тағобда мевали боғлар ва токзорлар барпо этилган, ҳамда уй-рўзғор учун зарур бўлган майда деҳқончилик қилинган. Боғ ва экинлар булоклардан ҳосил бўлган сой сувлари

билан суғорилган. Кўпчилик аҳоли ёз ойларини шу жойда, соя-салқин масканларда ўтказган.

Зомин туманидаги Еттикечув қишлоғининг номига ҳам гидроним асос бўлган. Гидроним таркибидаги етти (сон, рақам, миқдор) сўзи кўп, бир неча, мўл маъносида ишлатилган. Исломда ҳам етти рақами илоҳий қудратни рамзи саналган. Етти қават осмон, етти пайкар, етти қават ер, етти пушт ва ҳоказо. Кечув - дарё, сойлардан пиёда, от-уловда ўтиш мумкин бўлган саёз жой. Сув ҳавзаларининг тўғри келган жойидан ўтиш хавфли бўлганлиги сабабли кишилар қадимдан кечиб ўтиши мумкин бўлган саёз жойларни аниқлаб шу жойлардан ўтишган. Соининг кечуви кўп бўлган жой Еттикечув. Қишлоқ ана шундай кечуви кўп бўлган сой ёнида жойлашганлиги учун кечув номи унга ҳам берилган. Б.Ўринбоев фикрича, «топоним етти ва кечув сўзларидан ташкил топган. Етти сўзи бу ерда еттита кечув борлигини билдирмайди, балки уларнинг сонини кўплигини англатади, Умуман етти этнолингвистик термин бўлиб кўплик, қудратлилик маъносини англатади. Кечув - сой, дарё, кўл кабиларнинг саёз, кечиб ўтадиган жойи демакдир».

Фориш туманининг тоғли худудида Эгизбулоқ номли қишлоқ бор. Географик терминлар тизимида эгиз - ёнма-ён, ёки бир-бирига туташ, қўшалок маъносида қўлланилган. Эгиз - бирга вужудга келган, бир-биридан ажралмас, қўшалок маъносида, булоқ - ер ости сувларининг ер юзасига табиий ҳолда чиқиши. Қадимий туркий тилда эгиз, эдиз сўзини баландлик, баланд жой маънолари борлигини ҳам қай қилишган. Масалан, С.Қораев эгиз - сўзига таъриф бериб, ўзбек тилининг баъзи шеваларида баланд, юксак дейиш ўрнига эгиз дейдилар деган фикрни билдирган. Эгизбулоқ - баландликдаги булоқ, баланд жойда жойлашган булоқ бўлиши ҳам мумкин. Эгиз - сўзи гидронимик объектга нисбатан қўлланганлигини инобатга олсак бир-бирига туташ, қўшалок бўлоқлар борлиги шубҳа қолдирмайди. Булоқ номи қишлоқ номига айланган.

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах вилояти гидронимлари хусусиятларига кўра турлича шаклланган. Юқорида қайд қилингандек, гидронимлар вақт эрозиясига кам дучор бўлади, қадимий, шу сабабдан асл шакли ва мазмунини тиклаш анча қийин бўлган топонимлар гуруҳига киради. Уларнинг бу хусусияти кўпчилик мутахассисларни қизиқтиради. Аниқлашча, вилоят топонимлари орасида гидронимлар алоҳида ўрин тутди. Уларнинг номланишида турли хил омиллар сабаб бўлган. Шунинг учун, вилоят гидронимлар қандай сўзлар асосида яратилганлигини илмий жиҳатдан ўрганиш ва тўғри талқин қилиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. -Т.; 2005.
2. Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. –Жиззах. 2007.

3. Ҳақимов К.М. Жиззах вилоят топонимлари. –Жиззах. 2014.
4. Холмирзаев, Ж. Э., Усмонов, Ю. К. (2020). Географические особенности природно-географических сетей джизакской области. In *Фундаментальные и прикладные исследования в гидрометеорологии, водном хозяйстве и геоэкологии* (pp. 200-203).
5. Ҳақимов, К., & Бурхонов, Э. (2020). Зоотопонимлар географияси хақида. Архив Научных Публикаций JSPI.
6. Гаппаров, А. (2020). Жиззах вилояти тоғли туманларда сув хавзаларининг аҳоли жойлашув тизимларига таъсири. Архив Научных Публикаций JSPI.
7. Рахматуллаев, А., Баратов, Х. (2020). Ғўбдин тоғи ландшафтларида чўлланиш жараёнини тажриба участкалари ёрдамида ўрганиш. Архив Научных Публикаций JSPI.
8. Холдорова, Г. (2021). Мирзачўлда атроф-муҳитни мониторинг қилиш масалалари. Журнал Педагогика и психологии в сов